

Аскарсиз миллат жонсиз гавда ҳукмидадир. Ўзининг ерлик халкидан аскари бўлмаган бир юрт кўрикчисиз бир истехком кабидир. Аскарлик бир миллатнинг хаёт-мамот масаласини хал килиш учун зўр рўллар ўйнайдургон бир кучдир. Хар бир енгиш ва енгилишнинг боиси аскардир.

Николайни тахтдан туширган - аскар, шўролар ҳукуматини бу кунгача мухофаза килиб келган ҳам аскар бўлади, Бухорода золим амир ҳукуматини йикитгон - аскар, Туркистонни босмачилардан кўриклаб келган ҳам аскар эканлиги белгилидур. Туркистон турклари ҳам бир вақт урушқокликда мумтоз ва машхур эдилар. Факат бу сўнги асрларда ўзларининг аскарый кучларини Оврупа жахонгирларига карши ташламай, ўзаро урушга сарф этдилар. Охири, уларнинг юртимизни истило килишларига сабаб бўлдилар. Шунинг учун бундаги халқда бора-бора аскарлик рухи сўниб кетди.

Ўктабр инкилобининг баракотидан бизда яна аскарлик кўзгала бошлагон бўлса-да, лекин биз бу фурсатдан истифода кила олмадик. Яъни 20-йилдан бошлаб ташви-кот ва тадбир юргузмай, бирдан дахшатлик суратда ерлик халқдан мажбурий аскар олиб, натижада халқни ҳукуматдан нафратлантирдик. Шунинг билан баробар олингон аскарларнинг ҳам қочишига ўзимиз сабаб бўлдик. Халқнинг ахволи рухияси билан хисоблашмаганимиз учун бу тўғрида зўр хато килдик. Ўшал вақтда факат ихтиёрий суратда аскар олгонимизда, хозиргача ўн мингларча мунтазам аскарга эга булур эдик. Хайр, хар нима бўлди-ўтди. Бундай хатоларнинг қайси бирини санаб ўлтиурмиз...

Ана букун яна ерлик халқдан аскар олиш масаласи кўзгатилуб турадир. Ўртоқ Тротский ҳам ўзининг мактубида «ерлилардан секин-секин аскар олиш керак» мазмунида бир-икки сўз ёзиб ўтадир. Шундан ҳам маълум бўладирким, бу кунларда яна ҳукумат Туркистон халқидан аскар олишни тасвиб ва маслахат кўрган. Лекин бу дафъа қайси равишда, қандай шароит билан аскар олинадур? Бу ҳам билгулик эмас. Шояд бу тўғрида ҳукуматнинг юкори доираларида кенгаш ва музокаралар бўлиб тургондир. Харходда, бу дафъа аввалги хатолар такрор воқеъ бўлмас, деб ўйлаймиз.

Хозир Туркистоннинг баъзи бир шахрида ерлик халқдан оз-моз кизил милитсияларимиз бор. Шулар ихтиёрилик суратда олингонликлари учун чин кўнгил билан яхшигина хидмат килиб турадурлар. Шуларни бир турлик кизил аскар демок ҳам мумкиндир. Чунки бир неча вақтдан бери шу кизил милитсияларимизнинг кизил аскар билан бир сафда туриб босмачилар билан урушиб келаётгонлари маълумдир. Хатто, баъзи ўринларда буларнинг кизил аскардан кўра ортиклик қахрамонлик кўрсатганликлари кўрилгандир.

Ана шу холларни кўзда тутиб бу дафъа тартиблик ва кучлик ташвикотдан сўнг мажбурий эмас, ихтиёрий суратда аскар ола бошласак, оз бир замонда анчагина аскар тўплашимиз кийин эмасдур. Факат бу аскарлик хидмати-нинг муддатини киска кўйиб, бунинг учун енгил конун ва коидалар тузишимиз лозим.

Бошлаб ерлик халкцан зобитлар етиштириш учун Туркистоннинг хар бир шахрида аскарий курс ва мактаблар очиш керак. Аскарларнинг маишатларини яхши таъмин этиш ва баъзи урф-одатларга мудохала килмаслик ва ўзларини Туркистондан бошка шахарга юбормаслик каби коида ва ён беришлар эълон килингонда аскар олишнинг муваффакиятли чикиши аниқдир. Шунинг билан баробар хар бир кўнгилли аскарга ўз якинларидан икки кишининг кафил бўлиши ёки шунга ўхшаш бошка бир тадбир шарт килинса, келгусида ул аскарнинг кочишлиги ва ё хукуматга карши хиёнат килмаслиги учун бир амният хосил бўлур эди. Шун-дай тадбир кўрилган такцирда, баъзи бир аскарнинг ўз кўлидаги ярогини янги бир йўдда ишлатиши мумкиндир.

Хулоса: аскарлик мукаддас бир хидматдир. Аскарлик хидматига кириши билан Туркистон халки ифтихор килишга хаклидир. Аскар бўлмок чин хукукка эга бўлиш демақдир. Туркистон халки аскарлик хидматини зўр шодлик ва бутун ихлос билан карши олар деб ишонамиз.

*«Зарафшон» газетаси, 1923 йил, 21 июнь*